O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 17 июн шанба
Сотувда эркин нархда
№ 116 (2413)

«Ғалла — 2000»

## ИККИ ТУМАН ЗАФАРИ

*Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё, Беруний туманлари бирин-кетин давлатга буғдой сотиш шартнома режасини бажардилар. Омборларга ҳар икки туман аҳли 2780 тоннадан сара дон армуғон этдилар.*

*Серҳосил «Купава» ва «Деметра» навларини экан, ўрим-йиғимни юқори савияда ташкил этган жамоалар 40-50 центнергача ҳосил йиғиштирмоқдалар. Амударё туманидаги «Тўлқин» ширкат хўжалиги шартнома режасини қоплайдиган ғаллани бир ярим иш кунида саранжомлашга эришди. Беруний туманидаги «Олтинсой» хўжалиги ҳам юқори натижаларни қўлга киритди.*

**Я. ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Она юрт бўйлаб...

*Ҳамкорлик*

### ЛАНГАРДАН ГРАНИТ ОЛИНАДИ

Хатирчи туманидаги "Лангар" конидан гранит, мармар, харсангтош каби ранго-ранг жило берувчи табиий бойликларни қазиб олиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилди.

"Лангар" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти "Шамс-Навоий" фирмаси билан ҳамкорликда Италиянинг "Робероид-ЛТД" фирмасининг 1 милллион АҚШ доллари қийматига эга бўлган янги технологиясини ўрнатди. Янги технология йилига 3 минг куб метргача гранитни қайта ишлаш қувватига эга. Энди буюртмачиларга хоҳлаганча гранит блоклари, мармар ва харсангтошлар етказиб бериш мумкин.

Корхонада келгуси йилдан хорижга гранит блокларини экспорт қилишга ҳозирлик кўрилмоқда.

*Семинар*

### ФЕРМЕРЛАР ЎҚУВИ

Нишон туманидаги агроиқтисодиёт коллежида Европа Иттифоқи "Тасис" дастури лойиҳаси бўйича фермерларнинг минтақавий ўқув семинари бўлди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги уюштирган ўқув семинарида Нишон, Касби, Ғузор, У.Юсупов туманларидан 100 нафар фермер иштирок этиб, назарий билимларини оширдилар.

Машғулотлар жараёнида Европада фермерлик ҳаракати ва унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилди. Фермерларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, иқтисодий билимларини ошириш мавзуида мутахассисларнинг тавсиялари тингланди.

*Қулайлик*

### ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТГА ШАЙ

Қибрайда Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш маркази иш бошлади.Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига мувофиқ туман марказий касалхонасига қарашли уч қаватли бино ажратиб берилди. Марказ ҳашар йўли билан таъмирланиб, зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Айни пайтда марказда ташхис қўйиш, даволаш ҳамда реабилитация бўлимлари мавжуд. Бу ерда бир йўла 50 нафар бемор тажрибали шифокорлардан малакали шошилинч тиббий ёрдам олиш имкониятига эга бўлди.

*Хушхабар*

### "ФОРМАЛИН" — ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Навоий шаҳридаги "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмаси йил сайин кенгайиб, маҳсулотлар тури кўпайиб бормоқда. Яқиндагина корхонада гилам тўқиш, ип йигириш цехлари ишга тушган эди. Энди улар қаторида яна янги бир маҳсулот — формалин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Формалин халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида ишлатилади. Айниқса, у мебел саноати учун жуда зарур маҳсулот бўлиб, илгари Россиядан олиб келинарди. Корхонада йилига етти минг тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Цех ишга тушгач, 30 нафар йигит-қиз янги иш ўринларига эга бўлишди.

*Маънавият*

### ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Самарқандда Исроилнинг Ўзбекистондаги элчихонаси, "Сохнут" яҳудийлар агентлиги ва Самарқанддаги яҳудийлар маданияти маркази ташаббуси билан "Қуддуси Шарифга бир назар" деб номланган фотосуратлар кўргазмаси очилди. Кўргазмага Қуддуснинг мафтункор қиёфасини акс эттирувчи юздан ортиқ фотосуратлар қўйилган.

Мазкур кўргазманинг очилиш маросимида Исроилнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Ноах Гал Гендлер иштирок этди. У ушбу кўргазма самарқандликларга Исроил халқининг бугунги турмуш тарзи ҳақида тасаввур бериши, бундай маданий алоқалар икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

*«Тарбиячи — 2000»*

### УСТОЗЛАР СИНОВИ

Мамлакатимизда «Йил тарбиячиси» республика кўрик-танловини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу сафарги «Тарбиячи-2000» танловида кўпгина моҳир мураббийларнинг юзи ёруғ бўлди.

Мактабгача таълим муассасаларида хизмат қилиб, ўз касбига ижодий ёндашиб кетаётган бир йўла 14 нафар мураббий ана шу жиддий синовнинг ғолиблари бўлди. Кўрикда болалар боғчалари тарбиячилари орасида мамлакатимиздаги ҳар бир вилоятдан вакиллар бор.

Вилоят мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва ташкилотчилари ҳамда амалиётчи ходимлар иштирокида уюштирилган фестиваллар ғолибларига мукофотлар топширилди.

*Оромгоҳ*

### ҲАМ ҲОРДИҚ, ҲАМ МУТОЛАА

Жиззах туманидаги Ш. Рашидов номли болалар оромгоҳи июн ойи охиридан бошлаб инглиз тилини яхши биладиган ўқувчиларни қабул қилади.

Оромгоҳда 120 нафар ўғил-қизнинг мазмунли дам олишлари ва инглиз тилини янада чуқур ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Эътиборли томони шундаки, ёзги таътил давомидаги барча машғулотлар, маданий тадбирлар инглиз тилида ташкил этилади. Кўргазмали қуроллар, ҳатто спорт мусобақаларида, машғулотларда инглизча сўзлашиш тартиби жорий этилади.

Шу муносабат билан касаба уюшмалари вилоят кенгаши қатъий танлов асосида 20 нафар инглиз тили ўқитувчиси ҳамда тилни яхши биладиган 10 нафар тарбиячига йўлланма ажратди.

Табиийки, ўзига хос оромгоҳда дам олишни хоҳловчилар жуда кўп. Ҳозир туманларда танлов якунланай деб қолди.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЎЗАРО ИШОНЧ — САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК АСОСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашиш ва Тожикистон Республикасига расмий ташрифини амалга ошириш учун 14-15 июн кунлари Душанбе шаҳрида бўлди**



1994 йил 30 апрелда Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида ягона иқтисодий маконга асос солиш ҳақида шартнома имзоланган эди. Шу йили мазкур шартномага қўшилган мамлакатларнинг Давлатлараро кенгаши ҳамда Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкига (Центразбанк) асос солинди. Давлатлараро кенгаш ҳамжамият доирасида иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилаш, ҳамкорлик алоқалари тизимини муайян йўналишга солиш билан боғлиқ масалаларда раҳбарлик қилса, Центразбанк қўшма лойиҳаларнинг молиявий таъминоти билан шуғулланади.

Навбатдаги, Душанбе саммити, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи, интеграцияни янада чуқурлаштириш, яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар юзасидан фикр алмашди.

Давлатлараро кенгаш мажлисида эса ҳамжамиятни ривожлантириш истиқболлари, Марказий Осиё минтақасининг сув-энергетика заҳираларидан ҳамкорликда ва унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди. Шунингдек, ўтган даврда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Ўтган йили ҳамжамият давлатларида саноат ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хорижий сармоя жалб қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида сезиларли ўсиш кўзга ташланди. Энг муҳими, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо барча мамлакатларда иқтисодий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажми ортди. Жумладан, бу борадаги ўсиш Ўзбекистонда 4,4 фоиз, Қозоғистонда 1,7 фоиз, Қирғизистонда 3,6 фоиз ва Тожикистонда 3,7 фоизни ташкил этди. Рақамлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ҳажми жиҳатидан қўшни давлатлар орасида етакчи ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Кенгаш мажлисида сўзлаган нутқида қатнашчилар эътиборини йиғилиб қолган долзарб муаммоларга қаратди. Кенгаш йиғилишларида одатда ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг устувор ва муҳим йўналишлари белгиланади, бироқ уларнинг барчаси ҳам амалга ошяпти, деб бўлмайди.

Шу боис, Ўзбекистон раҳбари минтақа давлатларидаги жамият қурилиши, бозор иқтисодиётини шакллантириш бўйича стратегик марказлари уюшмасини тузишни таклиф этди. Уюшмага бирлашган мутахассислар гуруҳи Марказий Осиё республикаларида амалда бўлган иқтисодий моделларни солиштириш, белгиланган умумий мақсадлар амалга ошиши учун уларни мослаштириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Мамлакатимиз раҳбари минтақа давлатларининг мавжуд муаммоларни ҳал қилишга турлича ёндашуви стратегик вазифалар бажарилишига тўсиқ бўлаётганини қайд этди. Дейлик, Қирғизистон ва Тожикистон икки буюк дарё — Сирдарё ва Амударёнинг сув-энергетика заҳираларидан ўзича фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу эса қуйи оқимда жойлашган Ўзбекистон учун ноқулайликлар туғдириши табиий. Муаммоларга шу зайлда якка-якка ёндашувлар охир-оқибат минтақанинг умумий манфаатига хизмат қиладиган қарорлар чиқарилишига тўсқинлик қилади.

Ислом Каримовнинг фикрича, сув заҳираларидан унумли фойдаланиш бўйича лойиҳалар ижросига халқаро тузилмаларни жалб қилиш зарур. Бу тузилмаларнинг иштироки лойиҳаларни маблағ билан таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Мамлакатимиз раҳбари, минтақада сув заҳираларидан унумли фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш заруратини ҳам алоҳида таъкидлади.

Мажлис иштирокчилари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган бундай таклифларни тўла қўллаб-қувватлади.

Давлатлараро кенгаш мажлиси якунида Президентлар бир неча ҳужжатга имзо чекди. Жумладан, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятининг 2005 йилгача бўлган муддатда интеграцияни ривожлантириш стратегияси ҳамда ҳамжамият давлатларининг 2002 йилгача муддатда ягона иқтисодий маконни яратиш бўйича биринчи навбатдаги саъй-ҳаракатлари дастури тўғрисидаги қарорларига қўл қўйилди. Шунингдек, президентлар Сарез кўли билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ҳамда Афғонистондаги вазиятга доир мурожаатномалар қабул қилди.

Сарез кўли кучли зилзила туфайли Мурғоб дарёсининг тўсилиб қолиши оқибатида вужудга келган бўлиб, бу ерда миллионлаб куб метр сув йиғилган. Айни пайтда минтақада сейсмик фаоллик ортгани кўлнинг табиий тўғони дарз кетиши хавфини туғдирди. Агар, Худо кўрсатмасин, тўғон дарз кетса, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Афғонистоннинг беш миллионга яқин аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуди жиддий хавф остида қолади. Сарез кўли муаммосини ҳал этиш катта миқдорда маблағ талаб қилади. Шу сабабли, Душанбе саммитида Сарез кўлини хавфсиз ҳолатга келтиришда молиявий ёрдам кўрсатишни сўраб, жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотларга мурожаат қилинди.

Иқтисодий ҳамкорликка бағишланган саммитда нега мазкур анжуманга унчалик ҳам алоқадор бўлмаган масала кўтарилиб, Афғонистондаги вазиятга оид мурожаатнома қабул қилинди, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, Афғонистон можароси минтақа мамлакатларининг иқтисодий манфаатларига катта тўсиқ бўлиб турибди. Минтақа мамлакатларининг мазкур давлат ҳудудидан ўтувчи қисқа ва қулай йўллар орқали Ҳиндистон ва Покистонга, кейин Ҳинд океани орқали Жануби-Шарқий Осиё ва бошқа минтақаларга чиқиш имконияти чекланиб қолган. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Айни пайтда бу давлатдаги вазият тобора мураккаблашиб бораётир. У террор ва наркобизнес марказига, шунингдек, ҳокимият илинжида бўлган томонлар ўртасидаги улкан жанг майдонига айланиб улгурди. Жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларига қарамай, бу қирғинбаротни тўхтатишнинг иложи бўлмаяпти. Аксинча, вазият издан чиқиб, хатарнинг тобора кенгроқ тарқалиш хавфи келиб чиқмоқда. Бу эса, биринчи навбатда, минтақамиз мамлакатларига жиддий таҳдиддир.

Президентлар томонидан қабул қилинган мурожаатномада БМТ, ЕХҲТ, Ислом конференцияси ташкилоти, шунингдек, БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлган мамлакатлар ўз таъсирини ўтказиб, афғон муаммосини тезроқ ва адолатли ҳал қилишга чақирилади. Шу ўринда саммит якунида ўтказилган матбуот анжуманида ЎзА мухбирининг шу масаладаги саволига Ислом Каримов қайтарган жавобга тўхталмоқ жоиз. Мамлакатимиз раҳбари мазкур ташкилот ва давлатларнинг халқаро миқёсдаги бу муаммога етарлича эътибор қаратмаётганини алоҳида таъкидлади.

– Бу борадаги саъй-ҳаракат бизни қониқтирмайди, — деди жумладан, Ислом Каримов. — Чунки бугунги кунда афғон можароси маҳаллий ёки минтақавий эмас, жаҳоншумул муаммога айланган. Афғонистонда тайёргарликдан ўтган террорчилар дунёнинг турли бурчакларида қўпорувчиликлар содир этаётир. Бу ерда илдиз отган наркобизнес кўплаб мамлакатларга вабо каби тарқалмоқда.

15 июн куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифи бошланди. Мамлакатимиз раҳбарининг бу қўшни давлатга илк бор буюрган мазкур мақомдаги ташрифи ҳақида гапиришдан олдин 14 июн оқшомида рўй берган ҳаяжонли воқеага тўхталиб ўтиш жоиз. Шу куни Душанбедаги "Кохи Борбад" санъат саройида Ислом Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифига бағишлаб, Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталарининг катта концерти ўтказилди. Тўпланганлар саройга кириб келган икки мамлакат президентларини самимий олқишлар билан кутиб олди. Залда ҳукм сурган ҳаяжон ва кўтаринкиликда тожик халқининг Юртбошимизга бўлган улкан ҳурмат ва муҳаббатини кўриш қийин эмасди.

Тадбирнинг энг ҳаяжонли қисми концерт якунида юз берди. Президентлар саҳнага кўтарилди. Имомали Раҳмонов мамлакатимиз раҳбарини тожик заминига ташрифи билан қутлар экан, Ислом Каримовни тожик халқининг "нури дийдаи тожи сари", яъни бошидаги тожи ва кўзидаги нуридир, деб атади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президентига сўз берилди. Мамлакатимиз раҳбарининг, биз Тожикистонни ўз муаммолари гирдобида ташлаб қўймаймиз, биз сиз билан доим бирга бўламиз, деган сўзлари аҳли Тожикистонни ҳаяжонга солди. Кўзларда қувонч ёшлари қалқди. Ҳатто Имомали Раҳмонов ҳам ўз ҳаяжонини зўрға босиб тургани кўриниб турарди. Ўзбекистон Президентининг қардош мамлакат фуқаролари билан бундай самимий учрашувлари тожик халқи Ислом Каримовнинг Душанбега ташрифини қанчалик интиқлик билан кутганини намоён этди.

Энди ташрифнинг расмий қисми ҳақида. Дастлаб, дастурда кўзда тутилганидек, Ўзбекистон ва Тожикистон президентларининг якка-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг бугунги аҳволи, минтақавий муаммолар ҳамда икки давлат учун муҳим бўлган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз истиқлолга эришгач, уларнинг тақдири турлича кечди. Жумладан, Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, ўз тараққиёт йўлини белгилаш, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволини яхшилаш ҳаракатида бўлган эса, Тожикистон фуқаролар уруши гирдобида қолди. Бу эса тожик халқи бошига мисли кўрилмаган кулфатлар келтирди. Бироқ Тожикистон халқи бу муаммони ҳал қилишга муваффақ бўлди — миллий тотувликка эришилиб, аҳоли турмуши ҳам маромига туша бошлади. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичи айнан шу даврга тўғри келади. Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сиёсий алоқаларда сезиларли ўзгаришлар юз бера бошлади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортди.

Жараёнларнинг бундай тез суръатда ривожлана бориши эса томонларни ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришга чорламоқда. Ўзбекистон ва Тожикистон расмий делегацияларининг тор доирадаги ва кенгайтирилган таркибдаги музокараларида асосий диққат-эътибор айнан мана шу ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олишга қаратилди. Музокараларда ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий асослар яратиш, барча соҳалардаги мавжуд ҳамкорлик кўламини кенгайтириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар сўнггида томонлар абадий дўстлик, жиноятчиларни ўзаро топшириш тўғрисидаги шартномалар, чегараларни делимитация қилиш ҳақидаги меморандум, ҳуқуқий ахборот алмашиш ҳамда суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик борасида битимлар имзоланди.

Улар орасида икки мамлакат ўртасидаги абадий дўстлик ҳақидаги шартнома, айниқса, алоҳида эътиборга молик. Ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги минг йилларга бориб тақалади ва бу биродарлик кўп синовларга бардош берган. Икки халқ яхши-ёмон кунларини бирга кечирган. Ислом Каримов матбуот анжуманида таъкидлаганидек, Абадий дўстлик ҳақидаги ҳужжат аслида, бизнинг минг йиллар билан ўлчанадиган қардошлигимизнинг расмийлаштирилиши бўлди.

Айни пайтда Ўзбекистон раҳбари имзоланаётган ҳужжатларнинг сонини кўпайтиришдан ҳам кўра, уларнинг ижросини таъминлаш муҳимлигини таъкидлади. Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг ривожида томонларнинг бир-бирига ўзаро ишончи ўта муҳимдир, деди Юртбошимиз. Таъкидламоқ керакки, бугун Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида шундай мустаҳкам ишонч бор. Бу эса алоқаларимизнинг истиқболи порлоқ эканидан далолатдир.

Мамлакатимиз раҳбарининг Душанбе шаҳри зиёлилари ва жамоатчилиги билан учрашуви ҳам жуда ҳаяжонли ўтди. Имомали Раҳмонов Ислом Каримовнинг Тожикистонда тинчлик ўрнатиш йўлида кўрсатган улкан хизматлари тўғрисида гапирди. Жумладан, бир неча йил бурун, мамлакатда биродаркушлик уруши авж олган пайтда Кўлоб шаҳри саккиз ой иқтисодий қамалда қолиб кетган эди. Шаҳардаги ун заводи олдида бир парча нон илинжида юрган ўнлаб одамлар очдан ўлганди. Ана шундай аянчли шароитда Ўзбекистон, унинг бағрикенг раҳбари ёрдамга келди. Термиздан ун ортилган вертолётлар Кўлобга тинимсиз қатнагани, аҳли Кўлоб Ислом Каримовга соғлик-омонлик ва узоқ умр тилаб парвардигорга илтижолар қилгани ҳали ёдимизда, деди И.Раҳмонов.

– Ислом Каримовнинг Тожикистон халқига кўрсатган бундай ёрдамлари ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин, — деди Тожикистон раҳбари. – Биз бу саховатпешаликни, жўмардликни ҳеч қачон унутмаймиз.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Тожикистон Республикасига буюрган илк расмий, ҳатто бемалол тарихий деб аташ мумкин бўлган ташрифи жуда кўтаринки ва самимий руҳда ўтди. У айни пайтда, томонлар алоҳида таъкидлаганидек, самарали ҳам бўлди.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Душанбе-Тошкент.**

**СУРАТДА: учрашув пайти.**
**Муҳаммад АМИН олган сурат.**

## ДАЛАДАГИСИ ЭМАС, ОМБОРДАГИСИ ҲИСОБ

Сирдарё вилоятида ғалла ўрим-йиғими қизғин паллага кирди. Деҳқонларнинг йил бўйи қилган фидокорона меҳнати эвазига мўлжалдаги ҳосил етиштирилди. Лекин халқимиз даладагиси эмас, омбордагиси ҳисоб, деб бежиз айтмаган. Донни нес-нобуд қилмай, қисқа муддатда саранжомлаб олиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Гулистонда бошоқли дон экинларини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш ва ғўза парваришини жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилишда ана шу ҳақда гапирилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда ғаллани ўриб-янчиб олишда ҳамма жойда ҳам техник воситалар унумдорлиги талаб даражасида эмаслиги, айрим ҳолларда дон ҳали пишиб етилмаган бўлса-да, уни ўришга киришиш кузатилаётгани қайд этилди.

Айни вақтда ғўзани парваришлаш жадаллаштирилаётганига қарамай, каттагина майдонларда чеканка сифатли амалга оширилмаганлиги оқибатида кўчатлар сийрак бўлиб қолганига эътибор қаратилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими А.Исроилов қатнашди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон — Россия: ҳамкорлик қирралари*

## ОРЕҲОВО-ЗУЕВОДА БУХОРО САВДО УЙИ

Россиянинг Орехово-Зуево шаҳри мэри таклифига биноан бир гуруҳ бухоролик тадбиркорлар, корхоналар раҳбарлари, фермерлар ушбу шаҳарда бўлишди. Бухороликлар делегацияси аъзоси, "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамияти бош директори ўринбосари Муҳиддин Бозоров сафар таассуротлари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

– Орехово-Зуево саноати тараққий этган шаҳарлар сирасига киради. У ердаги "Ортекс" тўқимачилик комбинати, автобуслар ишлаб чиқарувчи "ЛИАЗ", прицеп ва кўчма дўконлар ишлаб чиқарувчи "Тонар" корхоналари замонавий технология билан жиҳозланган.

Учрашув ва мулоқотларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ҳақида сўз борди. Чунончи, "Ортекс" тўқимачилик комбинатига шартнома асосида ишлаш учун бухороликлар борадиган бўлди. Шунингдек, сунъий мўйнадан болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарувчи фабрикада бўлганимизда ғоят нафис, нархи нисбатан арзон маҳсулот тайёрланаётганининг гувоҳи бўлдик. Шу боис Бухородаги тикув фабрикаси негизида болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона тузиш лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди.

Сафаримиз натижаларидан яна бири — Орехово-Зуевода Бухоро савдо уйини очиш ҳақида бир фикрга келинди. Бу ерда Бухоро шаҳри корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотувга қўйилади.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**




# ҲАР МАҲАЛЛАДА — КИЧИК КОРХОНА

## УРГУТ ТУМАНИ АҲОЛИСИНИНГ НИЯТИ АНА ШУНДАЙ

**Самарқанднинг кунчиқар томонида, пурвиқор тоғлар бағрида Ургут аталмиш сўлим бир гўша бор. Яшил боғлар оғушидаги бу обод маскан эртаклар мамлакатини эслатади. Меъморий услуби бир-бирини такрорламайдиган маданий-маиший иншоотлар шаҳар ҳуснига холдек ярашган. Қишлоқ ва маҳаллалардаги саранжом-саришталик, мусаффо тоғ ҳавоси, сўлим табиат манзаралари баҳри-дилингизни очади.**

Мустақиллик ургутликлар ҳаётини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Ўтган тўққиз йил мобайнида саноат ва қишлоқ хўжалиги, маданият ва маънавият, ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқлар бундан нишона. Биргина ўтган йили «Саккиз йилликка — саккиз мактаб» ташаббуси билан чиқилганлиги ва амалда бунга эришилганлиги эътиборга молик воқеадир. Туман ҳокимлиги раҳбарлигида бундай хайрли ҳаракатлар тобора кенг қулоч ёймоқда. Чунончи, ҳашар йўли билан бешта мактаб, туман марказидаги 21 та маҳалланинг ҳар бирида биттадан кичик корхона, тадбиркорлар маблағи ҳисобидан янги бозор, Россия технологияси асосида шакар заводи қурилиши бошлаб юборилган. Қишлоқларни газлаштириш ва ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам сезиларли натижаларга эришилди.

Ўтган йилнинг ўзида туманда бир миллиард 900 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 3734 ўринли мактаб, 2 та қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Режадаги 45 километр ўрнига 73 километрлик газ қувури, 22 километрлик сув тармоғи тортилди. Маиший хизмат, савдо, умумий овқатланиш соҳаларидаги режалар ортиғи билан бажарилди.

Бундай ибратли мисолларни яна келтириш мумкин. Аммо бир нарса аниқ: барча соҳадаги ютуқлар фидойи меҳнат ва изланиш самарасидир. Масалан, туманда 1997 йилда 224,8 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган эди. Орадан бир йил ўтиб, бу кўрсаткич 408,7 миллион сўмни, бултур эса 702,3 миллион сўмни ташкил этди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса икки йил мобайнида 137,9 фоиз ўсди. Айни пайтда туман ғаллакорлари янги ҳосилни йиғиштириб олишни жадал бошлаб юбордилар. Мутахассисларнинг фикрича, ҳосил чўғи ўтган йилгидан кўп бўлса кўпки, кам эмас.

— Ижтимоий соҳани ривожлантириш кун тартибида турган асосий вазифаларимиздан биридир, — дейди туман ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати Холмуҳаммад Нуруллаев. — Ҳозир туманда аҳоли сони 324 минг нафардан кўпроқни ташкил этади. 145 та қишлоқ бор. Мактабларимиз 135 та. Улардан 44 таси замонавий типда қурилган бўлса, 91 таси мослаштирилган биноларда жойлашган. Очиғи, собиқ иттифоқ даврида, айниқса, узоқ қишлоқлардаги мактаблар эътибордан четда қолганди. Ўтган йилдан бошлаб бу соҳада ҳашар йўли билан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, бундай ташаббуслар аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватланаяпти. Эндиликда фақат янги мактаб қуриш билангина чекланиб қолмай, синфхоналарни давр талаблари даражасида жиҳозлаш, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш, қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш диққат марказида тутилаётир. Бир пайтлар табиий газ ургутликлар учун орзу эди. Бугун эса, туман ҳудудидаги хонадонларнинг 72 фоизида «зангори олов» ёнаяпти. Шу йилнинг ўзида 12 километрлик газ тармоғи фойдаланишга топширилди.

Маълумки, ижтимоий соҳадаги муаммолар ечими биринчи галда иқтисодиётни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Бунга эса мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали йўл очилади. Иқтисодиётни эркинлаштириш, хориж сармояларини ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш меҳнат жараёнига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўтган йили тумандаги иккита қўшма корхонада 40,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ҳаётдан кенгроқ ўрин эгалламоқда.

Кўпчиликка аён: Ургутда миллий ҳунармандчилик анъаналари чуқур илдиз отган. Бу анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб, йиллар давомида сайқал топаяпти. Айниқса, зардўзлик, қандолатчилик, чопондўзлик каби қадимий касб-ҳунарларга қизиқиш ҳамон катта. Ургут бозорлари ва қишлоқларини кезсангиз, бунга ўзингиз ҳам тўлиқ ишонч ҳосил қиласиз. Маҳаллий ҳунармандлар мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланиб, ўз истеъдод ва маҳоратларини тўлароқ намоён этишга, ички бозорни маҳсулот билан тўлдиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Қисқаси, бугун туманда республикамиз истиқлолининг тўққиз йиллик байрамига ҳозирлик қизғин. Шаҳар ва қишлоқларда кенг миқёсда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти. Айниқса, юбилей иншоотларида меҳнат авжида. Кўтаринки кайфият ҳар қадамда сезилиб туради. Кўпгина ишбилармонлар, хусусий мулк эгалари меҳр-мурувват тадбирларида фаол қатнашишмоқда. Мустақиллик байрами арафасида ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, етим-есирлар, моддий кўмакка муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, уларга оталиқ ёрдами кўрсатиш ва совға-саломлар улашиш кўзда тутилган.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Қимматли қоғозлар бозори*

**Қимматли қоғозлар давлат марказий депозитарийсининг асосий вазифаси мижозларнинг қимматли қоғозларини сақлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, намунали хизмат кўрсатишдан иборат. Шу маънода, бу тизимни қимматли қоғозлар банки, деб ҳам аташ мумкин.Ишни жаҳон андозалари асосида олиб бориш, жойлардаги иккинчи босқич депозитарий бўлимлари билан алоқа ўрнатишнинг замонавий тизимига ўтиш давлат марказий депозитарийсининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.**

# ДЕПОЗИТАРИЙ ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН ҲАМКОРЛИК

Кеча республика Биржа маркази биносида бўлиб ўтган семинар-кенгаш ана шу масалага бағишланди. Уни Қимматли қоғозлар давлат марказий депозитарийси бош директори Н.Акбаров бошқарди.

— Марказий депозитарий тизими ўтган вақт давомида «Тошкент» республика фонд биржаси, «Элсис-савдо», «Элсис-клиринг» ҳисоб-клиринг палаталари, «Давинком» давлат инвестиция фирмаси билан биргаликда электрон ҳамкорлик борасида катта тажрибага эга бўлди, — деди нотиқ. — Эндиги асосий вазифа жойлардаги депозитарлик тизими субъектлари ва брокерлик идоралари билан электрон алоқаларни йўлга қўйишдан иборатдир. Чунки электрон технологиялар асрида соҳани сифат жиҳатидан жаҳон андозаларига яқинлаштириш, мижозларга тезкор ва намунали хизмат кўрсатишда электрон алоқаларнинг аҳамияти ниҳоятда беқиёс. Бу эса ўз навбатида депозитарий олдидаги бир қанча муаммоларни ечиш имконини беради.

Семинар давомида депозитарий мутахассислари йиғилиш иштирокчиларига электрон маълумотлар узатиш, қабул қилиш ва электрон топшириқ шакллари бўйича аниқ тушунчалар бердилар.

Анжуман сўнггида тизимда янгича иш услубини татбиқ этишни тезлаштириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Б.ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

***Шу йил 4-9 июн кунлари Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов раҳбарлигидаги мамлакатимиз расмий делегацияси Буюк Британияда бўлди.***

Республиканинг қатор олий ўқув юртлари ректорларидан иборат Ўзбекистон делегациясининг Буюк Британияга расмий ташрифидан кўзланган асосий мақсад мамлакатнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари, тажрибаларини ҳамда маориф соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятларини атрофлича ўрганишдир.

Айни пайтда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилган «Умид» жамғармасининг 160 га яқин стипендиантлари Буюк Британиянинг нуфузли университетларида турли мутахассисликлар бўйича таҳсил олмоқдалар. Шуниси диққатга сазоворки, ҳозирда фақатгина Империал коллежининг ўзида 18 нафар Нобель мукофоти совриндори ишлаб келмоқда. Лондон иқтисодиёт мактабидан эса 6 нафар бундай совриндорлар етишиб чиққан.

Сафар дастурига кўра, делегация аъзолари Буюк Британия таълим вазири баронесса Блэкстоун, Британия Кенгаши раиси баронесса Кеннеди, Бош директори Дэвид Грин, шунингдек, Кембриж, Оксфорд, Вестминстер, Брунел, Рединг каби машҳур университетлар ҳамда Империал коллежи, Лондон бизнес мактаби, Лондон иқтисодиёт мактаби раҳбариятлари билан учрашди.

Икки мамлакат таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, таълим тизимини ислоҳ этиш, турли дастурлар бўйича ўқитувчи ва талабалар алмашувини йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилди. Жумладан, замонавий таълим тизими, ўқув дастурлари ва илмий изланишлар кўлами билан яқиндан танишишди. Барча учрашувлар самимий ва ишчанлик руҳида ўтди.

Мамлакатимиз делегациясининг ташриф давомида эришган муҳим келишувлари Буюк Британия таълим соҳасида Ўзбекистоннинг яқин ҳамкорига айланаётганидан далолат беради.

**М. ЁҚУБОВ,**
**«Жаҳон» АА,**
**Лондон шаҳри.**

*«Ғалла — 2000»*

# «БОЁВУТ»ЛИКЛАРНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

**«1-Боёвут» ширкатлар уюшмаси деҳқонлари 5 минг 312 гектар суғориладиган майдонда деҳқончилик қиладилар. Шу боис нафақат Боёвут туманида, балки Сирдарё вилоятида ҳам бу хўжаликнинг алоҳида ўрни бор.**

Ўтган йили заршунослар режадаги 7540 тонна ўрнига 8702 тонна пахта етиштириб, гектар самарадорлигини 32,5 центнерга етказган эди. Аммо ғаллакорлар кўнгилдагидек натижага эришолмай, хижолатда қолгандилар. Давлат буюртмаси бажарилганди-ю, лекин деҳқонларга етарли миқдорда дон улашилмаганди. Шу туфайли улар бу йил режани ҳам, ўтган йилги «бўшлиқ»ни ҳам тўлдириш ниятида астойдил тер тўкиб меҳнат қилдилар. Натижа эса кўзга яққол ташланиб турибди. Бўлиқ бошоқдан эгилган ғаллазорлардан 6,5 минг тонна ўрнига 7 минг тоннадан кўпроқ дон олиниши мўлжалланмоқда.

— Аслида бултур ҳам чакки меҳнат қилмагандик, — дейди уюшма бошқаруви раиси Ғафуржон Алиев. — Буғдойзорларимизни эрта баҳорда оралаган одамнинг ҳаваси келарди. Ўзимизнинг ҳам бўлажак ҳосилдан кўнглимиз тўқ эди. Афсуски, биргина бизни эмас, кўпчиликни ҳисобдан адаштирган занг касали тўсатдан пайдо бўлдию, барчамизни шошириб қўйди. Табиат — табиат экан-да, бу йил ҳам юрагимизни ҳовучлаб юрдик. Хайрият, баҳор яхши келди. Ғалламиз кўнгилдагидек бўлди.

3-бўлимнинг Равшан Омонтоев бошлиқ бригадасига бордик. 57 гектар ерга буғдойнинг «Купава» нави экилган экан. Дастлабки натижалардан ғаллакорларнинг кайфияти баланд.

— Ўримни бошлаганимизга атиги бир неча соат бўлди, — деди бўлим бошқарувчиси Хўжаназар Шоимов. — 4 бункер дон янчилди. Икки бункерини хирмонга топшириб келдик. 3,5-4 тоннадан ҳосил чиқаяпти.

Бир бошоқларини аранг кўтариб турган ғаллазорга, бир гуриллаб ишлаётган иккита «Кейс» комбайнига боқарканман, бошқарувчига саволомуз қарадим.

— 3,5-4 тонна деганингиз гектариданми?

— Ярим гектардан...

— Шундай демайсизми, биродар! Ғаллазорнинг ўзи камида 50 центнер буғдой нақд, деб турибди-ку?

— Ўзиям ниятимиз камида шунчадан ҳосил олиш.

Раис билан бошқа бўлимлардаги ғаллазорларни ҳам айланиб чиқдик. Ҳосил ҳақиқатан ҳам мўл эди.

— Гап энди ана шу неъматни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишда қолди, — деди у. — Туман, вилоят ҳокимликлари ҳам бизга яқиндан кўмак беришаяпти. Ахир, 2000 гектардан зиёд майдондаги ғаллани саранжомлаб олиш осон эмас. Машина-трактор парки томонидан 3 та «Кейс», ўндан зиёд «Енисей» комбайни ажратилган. Автокорхоналар ҳам имкон даражасида ёрдамлашаяпти. Эрта-индин оммавий равишда ўримга киришсак, бу техникалар сони янада кўпаяди.



Уюшма бошқаруви белгилаган тадбирга кўра, ўрим-йиғим ишлари роса бир ойда якунланади. Бу муҳим ишга ишчи-хизматчилардан тортиб, маҳалла фаолларигача жалб этилган. Мақсад битта: у ҳам бўлса, етиштирилган бойликни саранжомлаб олиш, келаси йил ҳосилига замин яратиш.

Бугун «1-Боёвут» ширкатлар уюшмаси ғаллакорлари ана шундай ният, ана шундай иштиёқ билан хирмон яратмоқдалар.

**Темур АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Қадрият*

Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида «Тупроқ шўрланиши ва ер ости сувларининг Марказий Осиё тарихий ёдгорликларига таъсири» мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Анжуманда жаҳоннинг бир қатор мамлакатларидан тарихий ёдгорликларни қайта таъмирлаш ва сақлаш бўйича 30 нафарга яқин эксперт иштирок этди.

# ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Унда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Барри Лейн сўзга чиқиб, Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихий обидаларга жуда бойлиги ва улар бетакрорлиги билан сайёҳларни ўзларига оҳанграбодек жалб этаётганлигини алоҳида таъкидлади. Лекин ер ости сувлари яқинлиги ва тупроқ шўрланиши таъсири остида жаҳоний шуҳрат ва аҳамиятга молик обидалар ўз шукуҳини йўқотиб бораётганлигини афсус билан қайд этди. Ёдгорликларнинг фақат ташқи томонини таъмирлаш билан муаммони тўла ҳал этиб бўлмаслиги тобора ойдинлашмоқда. Энди обидаларнинг ер остида жойлашган қисмини — пойдеворини мустаҳкамлашни ўйлаш зарур. Бунинг учун ҳар томонлама тадқиқот ишларини олиб бориш, жаҳон тажрибасидан фойдаланиш ижобий самара бериши мумкин.

**Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

# ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА ҚУЛАЙЛИК





*Косонсой туманидаги «Тергачи» қишлоқ хўжалик корхонасида қишлоққа саноатни олиб кириш ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда Тергачи қишлоғида аҳолига маиший, савдо хизмати кўрсатиш маркази бунёд этилди. Айни пайтда мазкур марказда дорихона, савдо дўкони, пойабзаллар таъмирлаш устахоналари, косибчилик цехлари ишлаб турибди. Бундай қулайликлар қишлоқ меҳнаткашларининг узоғини яқин қилмоқда. Энг муҳими — янги-янги ишчи ўринлари яратилмоқда.*



**СУРАТЛАРДА: маиший хизмат кўрсатиш марказининг умумий кўриниши; косибчилик цехи ишчиси Обиджон Худойбердиев; марказдаги дорихона мудири Обиджон Маҳкамов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# ЁШ БАСТАКОРЛАР ФЕСТИВАЛИ

Қайси соҳада бўлмасин, истеъдодли ёшларга ҳамиша эътибор зарур. Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этган Ёш бастакорлар фестивалини ҳам ана шундай эътибор намунаси, дейиш мумкин.

Мусиқа оламида ижод қилаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги номларни кашф этиш мақсадида ҳар йили ўтказиладиган бундай анъанавий фестивалда номи элга танила бошлаган истеъдодли бастакорлар билан бирга, Тошкент давлат консерваторияси талабалари ижросида ҳам куйлар янграмоқда.

Эътиборли томони шундаки, фестивалда ёш бастакорлар ўзлари яратган мусиқа асарлари билан иштирок этишмоқда. Икки кун давом этадиган мазкур тадбир доирасида ёш бастакорлар ижодиёти масалаларига бағишланган давра суҳбати ҳам бўлиб ўтади.

**(ЎзА)**

*Замон — ишбилармонники!*

# ФЕРМЕР РАИС БЎЛДИ

**Зафарободлик Шомурод Мамаюсуповни бу мартабага унинг ҳамкасблари тавсия этиб адашмадилар**

Туман фаолларининг йиғилиши давом этарди. Раислик қилувчи қишлоқ хўжалиги соҳасидаги аҳволни таҳлил этар экан, бугунги раҳбар фақат режа орқасидан қувиб, катта харажатлар эвазига сохта обрў орттиришни эмас, балки иқтисодиётнинг ривожи, эл-юртнинг фаровонлигини ўйлаб, иш юритиши лозимлигини таъкидлади. Ҳозирги жараёнда тармоқ ишлаб чиқариши тақдирини фермерлар ҳал этишини ҳисобга олиб, туман деҳқон ва фермерлар уюшмаси раисига энди туман ҳокими ўринбосари ваколати ҳам берилганини эълон қилди.

— Қани, айтинглар-чи, шу лавозимга муносиб, яъни юрагида ўти бор, деҳқон ва фермерларни ўз ортидан эргаштириб, уларни яратувчилик ишларига даъват эта оладиган мард киши ораларингизда борми? — пировардида у бутун залга мурожаат этди.

— Мен раис бўламан! — дея қўл кўтарди ўрта ёшлардаги одам.

Рости, бундай довюракликни раҳбарлар ҳам, фермерлар ҳам кутишмаганди. Аммо айтилган сўз — отилган ўқ! Шундай бўлса-да, таомилга кўра, йиғилишда бошқа номзодлар ҳам кўрсатилди. Кўпчилик, барибир, Шомурод Мамаюсуповни қўллаб-қувватлашди.

Бу воқеага икки йил бўлди. Одатда оддий фермернинг бутун бир уюшмага раҳбарлик қилиши, ана шу ишни эплаб кетиши осон эмас. Айниқса, Зафарободдек туман шароитида. Йўқ, раҳбарлару фермерлар адашмаган эканлар. Ўтган даврда туманда янги раис бошчилигида фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёзди. Масалан, 1997 йилда 48 фермер 1774 гектар ерда деҳқончилик қилган бўлса, ўтган йили уларнинг сони 429 нафарга етди.

— Бу йил уюшмада «тозалаш» тадбирларини ўтказдик, — деди Шомурод ака биз билан суҳбатда. — Яхши фаолият кўрсатмаган 18 та фермер хўжалиги ёпилиб, улардан 347 гектар ер қайтариб олинди. Ишни эплай олмаганлар ўрнини эса танлаб олинган фермерлар эгаллашди. Ҳозир 510 та фермер хўжалигимиз мавжуд. Улар эрта баҳорда 12 минг гектардан зиёд майдонга чигит экишган эди. Шу кеча-кундузда ғўзага агротехника қоидалари асосида ишлов берилаётганлиги туфайли у кунда бир яшнамоқда.

Маълум бўлишича, ўтган йили ҳам айни фермерлар ишда ўрнак бўлишган экан. Хусусан, С. Раҳимов номли хўжаликда 31 фермер йиллик режани 111 фоиз этиб бажарган бўлса, Ҳ. Олимжон номли хўжалик фермерлари бу кўрсаткични 106 фоизга етказибди.

— Айниқса, «Ҳамдўстлик» ижара-ширкатлар бирлашмасидаги 39 фермер хўжалиги аъзолари рекорд натижани қўлга киритишди, — деди раис. — Бу ерда режа 147 фоиз уддаланди! «Ҳумо» фермер хўжалиги раҳбари Келди Қудратов эса биринчи теримдаёқ ҳар гектар ердан 42 центнердан пахта ҳосили олиб, вилоятда овоза бўлди.

Биз шу фермер хўжалиги даласига бориб, бу йилги ишлар билан ҳам қизиқдик. 35 гектар ердаги ғалла пишиб етилган. Эрта-индин ўроқ тушади.

Шунча майдондаги ғўза эса баравж ўсаяпти.

— Эришилган ютуқларингизнинг сири нимада? — сўрадик фермердан.

— Аввало, ютуқ меҳнатга боғлиқ, — жавоб қилди у. — Лекин меҳнат қилсанг-у, пировардида манфаатдорлик кўрмасанг, биринг икки бўлмас экан. Бизда эса ҳар ким мўмай даромад олаяпти.

Ўтган йили хўжаликлар ва фермерларда етиштирилган пахта салмоғи ва навларини таҳлил этганимизда, бунга тўла амин бўлдик. Айтайлик, фермерлар давлатга жами 19176 тонна пахта сотишган. Бунинг 16,1 фоизи 1-навга, 57,8 фоизи 2-навга, 17,1 фоизи 3-навга қабул қилинган. Хўжаликларда эса натижа сал бошқачароқ. Давлатга топширилган 8326 тонна пахтанинг атиги 1 (?) фоизи 1-навга, 34 фоизи 2-навга қабул қилинган бўлса, 38 фоизи ҳатто 4,5-навларга баҳоланган. Бу таннархга таъсир қилмайдими?

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Меҳнатга ҳақ тўлаш бевосита сарф-харажатларга боғлиқ. Шу боис хўжаликларда ишчи-хизматчиларга маош бериш масаласида ҳалигача муаммолар учраб турибди. Фермерлар эса бундан мустасно.

Яна бир гап. Чўл шароитида, маълумки, фермерлик ҳаракатини такомиллаштиришнинг ўзи бўлмайди. Бу борада ҳам туманда ўзига хос тадбир ишлаб чиқилган. Яъни, ҳокимлик ҳузурида деҳқончилик масалалари бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилган бўлиб, унинг аъзолари оқсоқоллардир. Улар ҳар бир масалани жойида ҳал этмоқдалар.

Фермерлар билан суҳбат асносида ўзларига яратилаётган шарт-шароитлардан мамнунликларини айтишди. Аммо муаммоларини ҳам яширмадилар. Фермерларнинг кўпчилиги зарур техникага эга эмас. Уюшмага хизмат кўрсатувчи машина-техника паркининг қўли калталик қилмоқда. Техника бўлмагач, кўнгилдагидек ишлаб, иқтисод қилолмайсан киши. Шунинг учун фермерларга узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратилишида ёрдам бериш зарур.

Зафаробод туманида, шунингдек, фермерлар учун 8 та ёнилғи қуйиш шохобчаси ташкил этилган. Бу яхши. Аммо ёнилғи ажратиш муаммоси ҳал этилмаяпти. Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят вакиллиги раҳбари Ғ. Эшпўлатовнинг сўзига қараганда, вилоят бўйича 36 минг тонна дизел ёнилғиси зарур бўлгани ҳолда, атиги 6700 тонна ёнилғи ажратилган, холос.

Бу муаммолар албатта, ечимини топади. Бунга фермерлар ишонадилар. Муҳими, уларни тушунадиган, оғирини енгил қилишга доимо тайёр турган етакчиси бор. Шу боис ҳар қайсиси эртанги кунга ишонч билан боқиб, ерга ўз меҳрини бағишлаган ҳолда, астойдил меҳнат қилмоқда.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон — Ватаним маним



**Абдуваҳоб Пирматов газетамизнинг Навоий вилояти бўйича мухбири этиб тайинланди. У 1950 йилда вилоятнинг Навбаҳор туманида туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. Қуйида Абдуваҳоб Пирматовнинг чиқишини ҳукмингизга ҳавола этамиз.**

# КАРМАНА ОБИДАЛАРИ

Қадимий ёдгорликлар ҳар бир инсонни, хусусан ёшларимизни Ватанга, ота-боболаримиз анъаналарига, қадриятларимизга муҳаббат руҳида тарбиялашда, бой маданий меросимизни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Ана шу бебаҳо тарихий обидаларни аниқлаш, ўрганиш, ҳисобга олиш, қайта тиклаш, фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда Навоий вилоятида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, вилоятда тарихий обидалар кўп. Ҳозиргача ўрганилиб чиқилган манбаларнинг хулосасига кўра, вилоятда 339 та археология, меъморчилик ва санъат ёдгорликлари рўйхатга олинган. Шулардан 39 таси республика тарихий ёдгорликлари рўйхатига киритилган, 300 таси эса маҳаллий аҳамиятга эга ёдгорликлардир. Уларнинг энг кўпи Карманада жойлашган.

Кармана заминидаги халқ меъморчилиги, накш ўймакорлиги, ганч гулкорлиги, ёғочлар безакдорлиги услубида қурилган қадимий ёдгорликлар ўз жозибадорлиги, ҳашаматлилиги билан узоқ тарихдан сўзлайди, ўтмишдан садо беради.

Наршахийнинг «Бухоро тарихи» рисоласида баён этилишича, Карманада IIта дунёга машҳур у ёки бу кўринишдаги ёдгорликлар бўлган. Ана шу обидаларни кўргани ва зиёрат этгани ҳар йили хорижий мамлакатлардан минглаб ўлкашунос ва сайёҳлар келишган. Лекин, турли замонлар, турфа ҳукмдорлар ўтиши билан Кармана ва унинг обидалари ўз жозибасини йўқота борган.

Мустақиллик туфайлигина бу обидаларни ўз ҳолига келтиришга ҳаракат қилинди, анчаси эса қайта чирой очди. Улардан бири XVI асрда яшаб ўтган ислом дини мутафаккирларидан бири Қосим Шайх Азизон номи билан машҳур меъморчилик мажмуасидир. Ўзига хос бу ёдгорлик асрий меъморчиликнинг асосий қоидаларини ва маҳаллий меъморларнинг энг яхши ютуқларини ифода этган. Бир вақтлар Зарафшон водийсининг шу қисмидаги энг баланд иншоот ана шу гумбазли бино бўлган.

Қосим Шайх Азизон Бухоро хони Абдуллахоннинг устози ва пири бўлган, шу ерда туғилиб, шу ерда вафот этган. Амир Абдуллахон (1534-1598) ҳар гал қўшин тортиб отланганда Қосим Шайх Азизондан фотиҳа олиб кетган ва доимо ғалаба қозониб қайтган. Айтишларича, Туркистон ҳокими Наврўз Аҳмадхон Миёнқолга, Бухоронинг шарқий чегарасига ҳужум қилганда амир Қосим Шайхдан маслаҳат сўрайди. Шайх ҳужум бошлашига фотиҳа бериб, уруш 12 кунда Абдуллахон ғалабаси билан тугашини айтади. Амалда шундай бўлади. Абдуллахон Шайх тириклигида, яъни 1558 йилда унга Ипак йўли ёнида хонақоҳ қурдирган.

Бугунги кунда Қосим Шайх Азизон обидаси юрт истиқлоли, ҳуррияти боис яна ўз жамолини кўз-кўз қилиб турибди. У тўлиқ таъмирланган, қутлуғ зиёратгоҳлардан бирига айланган.

Обиданинг яна бир сирли томони шундаки, иморат беш асрдан буён шўрланмаган. Кекса авлоднинг гувоҳлигича, обиданинг тўрт томонида қудуқ бўлган. Ҳозир улар кўмилиб, ўрни номаълум бўлиб қолган. Масжиднинг жуда катталигидан айни пайтда уни иситиш муаммо. Бироқ, бир пайтлар унинг кун ботар томони чап қиррасидаги тешикка бир тутам ўтин ёқилса, масжид исиб кетган.

Кармана обидаларидан яна бири X-XI асрларга мансуб Мир Саид Баҳром мақбарасидир. Мақбара классик усулда, нафис безакли, пишиқ ғиштдан тикланган бўлиб, бир гумбазли, тўртбурчак шаклида, ўртада қабр, унинг ёнида иккита қабр тош турибди. Бино бир неча бор қайта таъмирланиши натижасида ўз асл кўринишини йўқотган.

Мир Саид Баҳром ҳақида маълумотлар кам. Мақбаранинг кўриниши бўйича Мир Саид Баҳром Сомонийлар сулоласи вакилларидан бири деб тахмин қилинади. Чунки, Кармана Сомонийлар даврида йирик марказга айланган. 870 йилда ҳокимият тепасига келган Сомонийлар сулоласининг вакили Исмоил Сомоний Кармана ҳокими бўлган экан.

Бу мақбара атрофи ҳам Карманaнинг гўзал гўшаларидан бири. Унинг орқа томони болалар боғига уланиб кетган.

Кармана шаҳридан Бухоро томонга 5 фарсах масофада Президентимиз тилга олган Работи Малик ва Сардоба ёдгорлик мажмуаси бор. Навоий кончилик институти профессори Сулаймон Иноятовнинг «Амур Темур Работи Маликда» деб номланган китобида бу обида ҳақида кўп маълумотлар келтирилган.

Работи Малик ва Сардобани 1069-1079 йилларда, қорахонийлар даврида Шамсулмулк Носир Ибн Иброҳим қурдирган. Мажмуа Буюк Ипак йўли устидаги карвонсароймеҳмонхона вазифасини бажарган. Яна у истеҳком қўрғон сифатида муҳим аҳамият касб этган. Амур Темур, Улуғбеклар бу ерда чодир тикканлар. Навоий бобомиз Сардоба сувидан ташналигини қондирган.

Жуда кўплаб тарихий воқеаларга гувоҳлик берувчи бу муқаддас ёдгорликнинг пештоқи ва унга яқин жойда сардобаси қолган, холос. Ўз вақтида Работи Малик кенг чорси ҳовлили, атрофини ўраган кўплаб хона ва ҳужралардан иборат бўлган. Унинг ёнида гумбаз билан ёпилган Сардоба чўл ўртасидаги ўзига хос катта совутгич вазифасини ўтаган. Маликчўл бўйлаб узоқ йўлга тушиш олдидан карвонлар шу ердан сув олганлар ва Бухоро, Нурота, Қарши, Самарқанд сари отланганлар.

Работи Маликдан унча олис бўлмаган Ҳазора қишлоғида Зарафшон дарёсининг баланд ва тик чўл қирғоғи бўйлаб Буюк Бухоро девори, «Кампир деволи» қолдиқларини кўриш мумкин. Қадимда бу девор Бухородаги бутун деҳқончилик воҳасини ўраб олган бўлиб, X асргача уни кўчманчи даштликларнинг ҳамлаларидан ҳимоя қилиб келган.

Кармана кўплаб тарихий чорбоғ ва саройлари билан машҳур. Асқаробод, Чаргарчорбоғ, Хончарвоқ, Жарчорбоғ, Гулчарбоғ, Боғиолчин, Ҳайрабод, Мирза чорбоғлар шулар жумласидандир.

Бухоро амири Абдулла Аҳадхон 1894-1910 йиллар давомида яшаган уй — Хончорвоқ катта санъат ва маҳорат билан қурилганлиги шундоқ кўриниб турибди. Лекин, у ачинарли аҳволда, қаровсиз. Бинони таъмирлаб, музейга айлантирса бўлади.

Чаргарчорбоғда Бухоро амирининг саройи (қароргоҳи) бўлган. Амирнинг кўрсатмаси билан бу ерга чет эллардан турли дарахт ниҳоллари, буталар олиб келинган. Бу макон аъло даражада парваришланган боғлари, гул ва ток навларининг бой коллекцияси билан машҳур бўлган.

Барча чорбоғлар Зарафшон дарёсига яқин жойларда барпо этилган. Дарёдан эсиб турувчи шабада уларнинг сўлимлигини оширган. Афсуски, бу жойлар вақт ўтиши билан ва эски мафкуранинг тазйиқи натижасида вайронага айланган, тарихни сохталаштириш мақсадида бузиб ташланган.

Хуллас, Кармана обидалари ҳақида ҳали кўп ва хўп ёзилади, янги-янги тадқиқотлар амалга оширилади. Зеро, Кармана тарихий воқеаларга, тарихий шахсларга бой, кўп адиб ва шоирлар ўтган улуғ маскан. Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида «Бухоро ва Самарқанд ўртасида хушманзара Кармана вилояти бор» деб эътироф этганида қанчалик ҳақ эди.

Юртбошимизнинг улуғ аждодларимиз қолдирган маданий, маънавий меросни, Кармана ва унинг атрофлари билан боғлиқ тарихий ҳақиқатларни тиклашга даъват этганлари жуда улуғ иш бўлди. Бу йўлда дастлабки саъй-ҳаракатлар бошланганлиги айни муддао. Ҳадемай Кармана обидалари янада жозиба кашф этади, кўҳна ва навқирон шаҳар кўплаб меҳмонлар, хорижий сайёҳлар диққатини тортади, ёшларимиз бой меросимиздан баҳраманд бўладилар.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## СИНОВ ПАЛЛАСИ



*Ҳозир бободеҳқон учун айни тиғиз пайт. Далаларда иш жуда қизғин. Бир томонда ғалла ўримйиғими авж паллага кирган бўлса, яна бир томонда ғўза парвариши жадал олиб борилмоқда.*

*Каттақўрғон тумани меҳнаткашлари жорий йилда 13200 гектар майдонга пахта ва 7900 гектар майдонга ғалла экканлар. Заршунослар бу йил 37000 тонналик пахта хирмонини яратиш мақсадида астойдил меҳнат қилишмоқда.*

*Маълумки, туман пахтачилик борасида вилоятда энг катта карвон ҳисобланади. Шу боис, мўл ҳосил иштиёқида бўлган деҳқонлар ғўза парвариши учун зарур бўлган маъданли ва органик ўғитларни ўтган йилиёқ жамғариб қўйишган эди. Ёш олим Роберт Ким томонидан яратилган «Омад—Каттақўрғон» эртапишар пахта нави айни пайтда туман далаларида синовдан ўтказилмоқда.*

*Шуни айтиш жоизки, туманнинг Улуғбек номли хўжалигида дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган 38 хилдаги ғўза навлари синовдан ўтказилмоқда. Шу кунларда туманнинг Э. Қурбонов номли, Навоий номли, Улуғбек номли хўжаликларида ғўзалар қийғос гуллади.*



**СУРАТЛАРДА: Э. Қурбонов номли жамоа хўжалигининг илғор механизаторлари Жўра Норхўжаев ва Сайидмурод Ғофуровлар; ғўза қатор ораларига ишлов берилмоқда.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## «Халқ сўзи» фуқаролар хизматида

# «НЕЛУ – 2»ДА ЎЗГАРИШ БЎЛАДИМИ?

### ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

***... Бир пайтлар бизнинг ҳам барча шарт-шароитларга эга яхшигина қишлоғимиз бор эди. У Сангардак тоғи этагида жойлашганди, ўзига хос ном билан «Нелу» деб аталарди. 1995 йили яшаётган жойимизни хавфли ҳудуд деб топишди, қишлоғимизни анча пастроққа кўчиришди. Шунга биноан, ҳозир у «Нелу – 2» деб юритилади. Аммо аввалгисига заррача ўхшамайди. Ўша кезлар туғилган фарзандларимиз аллақачонлароқ эс-ҳушларини таниб қолган бўлсалар-да, янги маконимизда тайинли ўзгариш сезилгани йўқ. На мактаб, на тиббий хизмат шоҳобчаси қурилди. Лоақал хонадонларимиз электр чироқларидан нурафшон бўлмади...***

**Ҳ. БОБОЕВ, М. ҲАҚНАЗАРОВ,**
**Н. ЖЎРАҚУЛОВ ва бошқалар (жами 96 имзо).**

### РАСМИЙ ЖАВОБ

Сариосиё туманидаги «Хуфар» қишлоқ фуқаролари йиғинига қарашли «Нелу» қишлоғи, ҳақиқатан ҳам, 1995 йили Сурхондарё вилояти Давлат кузатуви хизмати станциясининг хулосасига кўра, кучли рўй бериши эҳтимоли бор хавфли ҳудуд деб топилган. Шу муносабат билан, 1997 йили қишлоқдаги 69 хўжаликка «Термиз-Хонжиза-Чош» йўли бўйидан ер майдони ажратилиб, аҳолини кўчириш ишлари уюштирилган. Янги қишлоққа «Нелу—2» номи берилган. Туман ҳокимлиги бу ерда яшовчиларнинг шароитларини яхшилаш ва ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаган. Шу асосда бир қатор амалий ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ҳозирга қадар 5 километр узунликдаги электр тармоқлари тортилди. Айни кезларда ТМ-250 русумли трансформатор ўрнатилмоқда. У яқинда ишга туширилиб, қишлоқ электр энергияси билан таъминланади.

Бундан ташқари, ушбу ҳудудда 50 ўринли қишлоқ врачлик шоҳобчаси, 160 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси қуриш учун ер майдонлари ажратилган бўлиб, лойиҳа ҳужжатлари тайёрланмоқда.

«Нелу — 2» аҳлининг яшаш шароитларини яхшилаш, уларга яқиндан кўмаклашиш ва бошқа иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш масалалари туман ҳокимлигининг доимий назоратига олинган.

**Туман ҳокимининг ўринбосари**
**Ф.НИЗОМИДДИНОВ.**

* * *

***ТАҲРИРИЯТДАН: халқимиз «Ўз уйим — ўлан тўшагим» деб бежиз айтмаган. Бу нақл замирида аслида бир жойга ўрганган одам бошқа ерга кўникиши қийин кечади, деган маъно ётади. Бундан ташқари, уй-рўзғорни қайта бутлаш, янги ҳовли-жойни тиклаш ҳам осон иш эмас. Бас, шундай экан, биз «нелу»ликларни яхши тушунамиз. Айни чоғда, туман ҳокимлигидагиларга ҳам қатъи ишонамиз. Белгиланган режа ва тадбирлар қоғозда қолиб кетмайди, вақти-соати етиб, «Нелу — 2» ҳам обод-кўркам гўшага айланади, дея умид билдирамиз.***

**Хатлар, шикоятлар ва оммавий ишлар бўлими.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

***(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2000 йил 5 июндан 10 июнгача бўлган маълумот)***

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларига Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Марказий банк, Ташқи ишлар вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши билан келишилган.*

***2000 йил 5 июнда 932-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 15 июндан кучга киради).***

2. Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақида йўриқнома. *ЎзР ИИВ вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 9 июнда 933-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 19 июндан кучга киради).***

3. Ҳайдовчилик гувоҳномасига талон бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР ИИВ вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 9 июнда 934-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 19 июндан кучга киради).***

***II. Давлат рўйхатидан чиқарилди:***

1. Давлат бошқаруви ва бюджет ташкилотлари ходимларига хизмат сафарига бориш учун Республика валюта фондидан маблағлар ажратишнинг Вақтинчалик тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 15 июндан чиқарилади (1994 йил 5 январда 18-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1993 йил 29 декабрдаги 92-сон ва Меҳнат вазирлигининг 1993 йил 22 декабрдаги 1329/11-сон хизмат сафари харажатларини тўлаш масалалари бўйича хатига қўшимчалар киритиш тўғрисидаги хати (қисман). *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 15 июндан чиқарилади (1994 йил 13 июнда 73-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

3. Ҳайдовчилик гувоҳномасига талон бериш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР ИИВ вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 19 июндан чиқарилади (1995 йил 28 апрелда 138-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

4. Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақида йўриқнома. *ЎзР ИИВ вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 19 июндан чиқарилади (1995 йил 28 апрелда 139-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

**Мазкур меъёрий ҳужжатлар амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан ва/ёки, янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотади.**

***III. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:***

1. Автовокзаллар ва автомобиль тўхташ жойлари томонидан автобуслар, микроавтобуслар, енгил автомобилларга уларнинг идоравий мансублиги ва мулк шаклларидан қатъи назар хизмат кўрсатиш тўғрисида низом. *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

2. Ваколатли банклар томонидан хорижий валютада ҳисобварақлар юритиш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

3. Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга 3-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

4. Тижорат банклари томонидан якка тартибда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

5. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан корхоналар ихтиёрида қолдирилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш мониторингини амалга ошириш тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

6. Тижорат банкларини рейтингли баҳолаш тўғрисида низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

7. Акциядорлик жамиятларидаги акциялар пакетини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларни тайинлаш ҳамда уларнинг фаолиятини назорат қилиш тартиби. *ЎзР Давлат мулк қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

**Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.**

***IV.Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:***

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 103-сон «Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ хизматларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида тушунтириш. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

2. Ҳисобот даври якунида амал қилиш муддати тўхтатилмаган суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича суғурта тўловларини суммаларини бухгалтерлик ҳисоботида акс эттириш тўғрисида тушунтириш. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

3. Меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) мавжудлиги тўғрисида ва мўлжалланаётган ишдан озод этишлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

4. Тижорат банклари капталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида низом (янги таҳрирда). *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

5. Қимматли қоғозлар билан битимларни амалга оширишда хизмат ахборотларидан фойдаланишни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида низом. *ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тақдим этилган.*

6. Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисида низом (Адлия вазирлиги хулосаси асосида қайта ишланган). *ЎзР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

7. Пахта хом-ашёсини қайта ишлаш 2-пахта (йилда, мавсумда бир марта) ва 50-тп (ойлик) шакллар бўйича ҳисобот тузиш тўғрисида йўриқнома (Адлия вазирлиги хулосаси асосида қайта ишланган.). *ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

8. Ички сузиш кемаларининг ифлосланишини олдини олиш қоидалари. *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

9. Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорида ҳисоб-китоб- клиринг ташкилотлари тўғрисида низом. *ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тақдим этилган.*

10. Олтин-маъдан конларида заҳираларни таснифлашни қўллаш бўйича йўриқнома. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

11. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар дон маҳсулотлари қарамоғидаги корхоналарда уруғлик дон қабул қилиш, жойлаш, тайёрлаш ва сақлаш тартиби. *ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

12. Донни қабул қилиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби бўйича йўриқнома. *ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилди.**

**Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28**


**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**

***Сиз азизларни 2000 йил 28 июн, 6 июл кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.***

**Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:**

1. **ЗИЛ 114 русумли,** давлат рақами 10 АС 645, 1976 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 2 400 000 сўм.*
2. **ГАЗ 14 ("Чайка") русумли,** давлат рақами 10 АС 646, 1982 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 1000 000 сўм.*
3. **ГАЗ 14 ("Чайка") русумли,** давлат рақами 10 АС 644, 1983 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 1 100 000 сўм.*
4. **ГАЗ 14 ("Чайка") русумли,** давлат рақами 10 АС 643, 1982 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 1050000 сўм.*
5. **ГАЗ 13 ("Чайка") русумли,** давлат рақами 10 АС 651, 1979 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 800 000 сўм.*
6. **ГАЗ 13 ("Чайка") русумли,** давлат рақами 10 АС 650, 1972 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 850 000 сўм.*
7. **ГАЗ 13 ("Чайка") русумли,** давлат рақами 10АС 649, 1980 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 900 000 сўм.*
8. **ГАЗ 13 ("Чайка") русумли,** давлат рақами 10 АС 648, 1974 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 850 000 сўм.*
9. **ГАЗ 13 ("Чайка") русумли,** давлат рақами 10 АС 647, 1979 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 900 000 сўм.*
10. **ГАЗ 3102 русумли,** давлат рақами 10 UZ 364, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 900 000 сўм.*
11. **ГАЗ 3102 русумли,** давлат рақами 10 UZ 356, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 1 100 000 сўм.*
12. **ГАЗ 3102 русумли,** давлат рақами 10 UZ 327, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 1000 000 сўм.*
13. **ГАЗ 3102 русумли,** давлат рақами 10 UZ 119, 1994 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 1 150 000 сўм.*
14. **ГАЗ 3102 русумли,** давлат рақами 10 UZ 376, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошлағич баҳоси 750 000 сўм.*
15. **ГАЗ 3102 русумли,** давлат рақами 10 UZ 370, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 750 000 сўм.*
16. **ГАЗ 2402 русумли,** давлат рақами 94 66 ТНБ, 1976 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 200 000 сўм.*
17. **ЗИЛ-ПМ русумли,** давлат рақами 10 АА 931, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 850 000 сўм.*
18. **ГАЗ-52 русумли,** давлат рақами 10 АА 947, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 750 000 сўм.*
19. **УАЗ 469 русумли,** давлат рақами 10 85 ТНД, 1985 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 130 000 сўм.*
20. **ЗИЛ ММЗ- 4502 русумли,** давлат рақами 10 АА 935, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 950 000 сўм.*
21. **ИЖ-2715 русумли,** давлат рақами 35 09 ТНМ, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 150 000 сўм.*
22. **ИЖ-2715 русумли,** давлат рақами 11 30 ТНА, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 120 000 сўм.*
23. **ГАЗ-5314 русумли,** давлат рақами 60 61 ТНН, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 775 000 сўм.*
24. **УАЗ-3303 русумли,** давлат рақами 11 90 ТНА, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 120 000 сўм.*
25. **ГАЗ 31029 русумли,** давлат рақами 10 UZ 059, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 1200 000 сўм.*
26. **ГАЗ 31029 русумли,** давлат рақами 10 UZ 065, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 1 250 000 сўм.*
27. **ГАЗ 2410 русумли,** давлат рақами 10 АА 392, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 700 000 сўм.*
28. **ГАЗ 2410 русумли,** давлат рақами 10 UZ 199, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 700 000 сўм.*
29. **ГАЗ 2410 русумли,** давлат рақами 10 UZ 073, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 700 000 сўм.*
30. **ГАЗ 2410 русумли,** давлат рақами 10 АА 386, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 700 000 сўм.*
31. **ГАЗ 2411 русумли,** давлат рақами 10 UZ 177, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 700 000 сўм.*
32. **УАЗ 3741-01 русумли,** давлат рақами 10 AI 105, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 150 000 сўм.*
33. **РАФ 22038 русумли,** давлат рақами 10 UZ 094, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. **Бошланғич баҳоси 300 000 сўм.**
34. **"Чайка" ГАЗ -1402 русумли,** давлат рақами 10 AL 833, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 1 150 000 сўм.*
35. **ЛАБО русумли,** давлат рақами 00 05 ТНЗ, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. *Бошланғич баҳоси 150 000 сўм.*

**Мазкур автотранспорт воситаларига қизиқиши бор ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.**
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, "Бухоро" кўчаси, 10-уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.**
**Телефонлар: (371) 136 15 29, 136 28 75. Факс: (371) 136 06 17.**

3006

